

№ 8-22/ПП-сонли ШАРТНОМАСИ

Тармоқ ресурслари ва техник алоқа воситаларини ижарага бериш

Тошкент ш.

“ок” от 2022й.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали, кейинги ўринда “Ижарага берувчи” деб аталувчи номидан, Низом ва -сонли ишончнома асосида иш юритувчи, директори Фарруҳ Шорухович Рустамов, бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, кейинги ўринда “Ижарага олувчи” деб аталувчи номидан, ПКН-705 асосида иш юритувчи, биринчидан, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Ижарага берувчи” “Ижарага олувчи”га фойдаланиш мақсадида “ТШТТ” филиалининг алоқа воситалари, телефон станциялари ва алоқа марказларидаги коммутация пунктлари (портлари) орқали тўғридан-тўғри симлар, Томонларнинг жавобгарлик чегараларига (зоналарига) мувофиқ тақдим этилади.

ЎзРес Пиллачилик ва коракўлчиликни ривожлантириш кўмитасига ўзгарувчан мультиплексер (СГМ) орқали 244-267 ЭАТСдан 3 дона тўғридан-тўғри симлар тақдим этилади.

1.2. Ижарага олинган түгридан-түгри симлар ўзаро келишувга мувофиқ “Ижарага оловчы”га тақдим этилган (бириктирилган) коммутация пунктларига етказиб берилади.

2. ТҮЛӨВ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

2.1. "Ижарага олувчи" "ТШТТ" филиалининг 20210000604074838051 х/рга

- Ўзгарувчан мультиплексер(СГМ) орқали битта тўғридан-тўғри симни ижарага олиш нархи тариф бўйича: 41 964,00 сўмни ташкил этади. Ижарага олувчи томонидан уч дона тўғридан-тўғри симни ижарага олиш учун тариф бўйича КҚСни инобатга олган ҳолда **хар ойда** 125 892,00 сўм тўлов амалга оширилади.

2.2. Шартноманинг умумий микдори 377 676 · 1 ye соҳ етимизе ёзаси
ишини орту соҳ етимизе орту сарч) иш ташкил этади.

2.3. Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб-китоблар тўғрисидаги низомга кўра, хизматлар учун тўлов (тўғридан-тўгри симни ижарага бериш) шартнома тўлов топшириқномаси (тўлов-сўрвномаси, хисоб-фактура ва хисобларга кўра) асосида акцептлаш тартиби ёки тўлов топшириқномаси бўйича банк пул ўтказмаси орқали амалга оширилади.

2.4. Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АҚ фармонлари ва қарорларига мувофиқ тарифлар ва хисоб-китоблар ўзгарганда, шунингдек энергия ташувчилар, коммунал хизматлар, ёқилғи-мойлаш материаллари нарҳлари ўзгарганда “Ижарага олувчи” “Ижарага берувчи”га янги тарифлар чиқсан пайтдан бошлаб, тўловларни амалга оширади, кўшимча келинув имзолани йўли билан

2.5.“ТШТГ” филиали ва ЎзРес Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига асосан “Ижарага олувчи” кўрсатиладиган хизматлар учун, ойлик 100% миқдордаги олдиндан тўловни, ҳисоб ойининг 10-санасига қадар амалга оширади.

2.7. Ўзаро даъволар ва санкцияларнинг мавжудлиги кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширмасликка асос бўлмайди ҳамда ўзаро келишувсиз хизматларни кўрсатиш тўхтатилмайди.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижарага берувчи:

3.1.1 Белгиланган тартибда, техник имкониятларга асосланиб, уч дона тўғридан-тўғри симларни техник стандартларга ва келишилган шартларга мувофиқ равиша ажратиб берилишини ва рўйхатдан ўтказилишини, Ахборот технологиялари вазирлигининг техник стандартларига мувофиқ жавобгарлик чегарасида яъни 244-267 ЭАТСдан 3 дона тўғридан-тўғри симларга техник хизмат кўрсатишни ва таъмирлашни;

3.1.2 Жавобгарлик доирасида ижарага берилган алоқа воситаларини сифатли ишлашини;

3.1.3 Фавқулодда вазиятлар ва авария холати ўзи томондан юз берганда авария холатини бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш учун зарур чораларни кўришни ўз зиммасига олади.

3.2 Ижарага олувчи:

3.2.1 Уч дона тўғридан-тўғри симларни ишлашини таъминлаш учун ташкилий ва техник шартларни бажарилишини;

3.2.2 Ойлик тўловларни 125-1/7-сонли (Прейскурант) нархлар рўйхати тарифлари бўйича амалга оширишни, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари вазирлигининг техник стандартларига шунингдек, ўзаро келишилган шартларга мувофиқ, ижарага олинган алоқа воситаларининг техник эксплуатациясини амалга оширишни;

3.2.3 Ўзининг алоқа воситаларида фавқулодда вазиятлар ва авария холати юз берганда авария холатини бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш учун зарур чораларни кўришни;

3.2.4 Жавобгарлик чегарасида ижарага олинган алоқа воситаларининг сифати учун жавобгарликни (ПДС- 20x20 бошқарув панели);

3.2.5 Станциялараро тўғридан-тўғри симларни уланишида авариявий холат юзага келганда 71 268-58-58, 71 267-04-25 телефон рақамларига маълум қилинишини ўз зиммасига олади.

4.ФОРС - МАЖОР

4.1 Томонлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг хохиш, эрки ва иродасига боғлик бўлмаган форс-мажор холатлари жумладан: табиий оғатлар, ёнгин, зилзила, сув тошқини ва табиатнинг табиий кучларининг бошка харакатлари, шунингдек алоқа кабелларини ўғирланиши, давлат хокимиятининг харакатлари агар ушбу холатлар Шартнома имзоланганидан кейин пайдо бўлган бўлса ва унинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатган бўлса Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарлиқдан озод қилинадилар.

4.2 Қайси томон учун форс-мажор холати содир бўлса ва мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаса ушбу холат ҳақида иккинчи томонни дарҳол хабардор қилиши шарт. Форс-мажор холатлари тўғрисида ўз вақтида яъни 15 кун ичида бошқа томонни огоҳлантирмаслик, келгусида огоҳлантирилмаган тарафга мурожаат қилиш ҳукуқидан маҳрум қиласи.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартноманинг 3-бандига асосан Ижарага олувчи тўловларни кечиктирган тақдирда кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50%дан кўп бўлмаган миқдорда хар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди.

5.2. “ТШТТ” филиалида сақланаётган Томонларнинг ускуналарида Ижарага берувчининг айби билан етказилган заарни бартараф этиш бўйича назорат вақтидан (икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан тузилган) ортиқ вақт давомида вақтинча уланиш йўлларини маълум қилмаганлик ва тегишли ускуналар алмаштирилмаган тақдирда Ижарага берувчи томонидан ойлик тўлов қайта ҳисобкитоб қилинади ва мажбуриятларниң бажарилмаган қисми ҳисобига 0,5% миқдорида лекин кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50%дан кўп бўлмаган миқдорида пеня тўланади (солиштириш далолатномаси асосида (акт сверка).

5.3. Томонлар ўртасидаги музокаралар натижасида юзага келадиган келишмовчиликларни ижобий ҳал қилиш учун Томонлар келишув қоидаларидан фойдаланадилар.

5.4. Ушбу келишув бўйича келиб чиқадиган баҳсли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

5.5. Юридик манзил ёки банк реквизитлари ўзгартирилганда, Томонлар ушбу реквизитлар ўзгартирилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай бир-бирларини хабардор қилишади.

5.6. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуларида белгиланган жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

5.7. Белгиланган тартибда тузилган ушбу шартномага қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.8. Ушбу шартномада акс эттирилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

6. МАХСУС ШАРТЛАР

6.1. Томонлар қуидагиларни таъминланг мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилишади:

- Ахборот ҳавфсизлиги,
- Телекоммуникация иншоотларига кириш-чиқиш режими мавжудлиги,
- алоқа тармоқларида ишлаб чиқариш қоидалари ва тартибларига риоя қилиш,
- ёнғин ҳавфсизлиги,
- техника ҳавфсизлиги,
- тезкор-қидирув фаолияти

6.2. Томонлар мазкур Шартнома шартларининг бузилиши туфайли юзага келган зарарни, бошқа Томонга қоплашади, аммо йўқотилган фойдани эмас.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Ғазначилик бошқармаси томонидан рўйхатга олинган санадан 2022 йил «05» 05 дан кучга киради ва 2022 йил 31 март га қадар амал қиласди.

7.2. Мазкур шартномага, янги қабул қилинган ва юкори турувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган Конун хужжатлари ва меъёрий хужжатлар, шунингдек, Томонлар таклифи ва ижарага олинган ускуна орасидаги масофаларни ўзгариши билан боғлиқ ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгариши ва қўшимчалар, Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ёзма келишув (баённома) ёки шартномага киритилган илова шаклида, Томонлар вакиллари имзолари билан тасдиқланган ҳолатда ҳақиқий ҳисобланади.

7.4. Мазкур шартнома қўйидаги шароитларда бекор қилинади:

- томонлар келишувига кўра,
- бир томонлама, бошқа Томон шартнома бўйича ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган ҳолатда,
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.5. Мазкур Шартнома икки асл нусхада, ҳар бир Томон учун, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

8. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ўзбектелеком” АҚ
“ТШТТ” филиали

ЎзРес Пиллачилик ва
коракўлчиликни ривожлантириш
қўмитаси

Тошкент ш., 100084

Кичик ҳалка йули, 2А-уй :

X/p 2021 0000 6040 7483 8051

АТ Алоқабанк Амалиёт бошқармаси

Банк коди: 00401, СТИР: 203 366 731

АОФТ коди (ОКЭД): 61100

Тел: 71-234-64-39, факс: 71-232-15-15

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI İPAKCHILIK VA
JUN SANOATINI RIVOJLANTIRISH QO'MITASI
100170. Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani,
Ismoil-sot ko'chasi, 1-a uy
Sh/h/v: 100010860262697047906332001
Ya/g'/v: 2340 2000 3001 0000 1010
MB Toshkent sh. BB HKKM
MFO: 00114 INN: 207327665 OKED: 84130

Директор



Ф.Ш.Рустамов



Бизарбод Б.Хусупов

Нурине Чоринев